



FARG'ONA VILOYATI RISHTON TUMANI HOKIMINING QARORI

2022 - yil 25 - noyabr

417-11-158-Q/22

Rishton tumani hokimligi

Риштон тумани ҳудудида умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари ва марказий кўчаларида йўловчилар ва транспорт воситаларини ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида йўл белгилари ўрнатиш тўғрисида

Риштон туманида “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунинг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари”га риоя этишини таъминлаш, туман ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактик-огоҳлантириш ва оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган кенг кўламли ташкилий ва амалий чора-тадбирлар режасини ижросини таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Риштон туман ички ишлар бўлими ҳамда туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг Риштон туман ҳудудида умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари ва марказий кўчаларида йўловчилар ва транспорт воситаларини ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ҳодисаларини олдини олиш мақсадида йўл белгилари ўрнатишга рухсат бериш тўғрисидаги хатлари инобатга олинсин.

2. 4к-873 “Риштон-Амиробод” автомобиль йўлининг 3-4 км оралиғида йўлнинг ўнг ва чап томонига 2 дона тақиқловчи 3.27 “тўхташ тақиқланади” ҳамда 4н-962 “Риштон-Қошқайрон” автомобиль йўлининг 0-2 км оралиғида тақиқловчи 2 дона 3.4 “юк автомобилларининг ҳаракатланиши тақиқланган” йўл белгилари ўрнатишга рухсат этилсин.

3. Риштон туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (Ў.Ақбаров) ушбу йўл белгиларини ўрнатиш чораларини кўрсин.

4. Риштон туман ИИБ ЙХХГ (А.Джобборов)га тақиқлов ўрнатилган автомобиль йўлида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва доимий равишда назорат қилиб бориш вазифаси юклансин.

5. “Риштон ҳақиқати” газетаси таҳририяти (Йигиталиев) ва туман ҳокимлиги матбуот котиби (А.Дехқонов) ушбу қарорнинг туман газетасида чоп этилишини ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Риштон туман ҳокимининг 2022 йил 21 ноябрдаги “Йўл белгиларини ўрнатиш тўғрисида”ги 412-11-158-Q/22-сонли ҳамда шу кунги “Йўл белгиларини ўрнатиш тўғрисида”ги 413-11-158-Q/22-сонли қарорлари бекор қилинсин.

7. Мазкур қарорнинг ижро этилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Н.Орипов зиммасига юклансин.

8. Қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Tuman hokimi



С.Солиев